O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 300409

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 30-aprel • Payshanba • 51 (29.012) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш доирасида жорий йил I чорагида қишлоқ жойларда қўшимча равишда 1219,8 минг квадрат метр уй-жой, 220,6 километр газ узатиш ва 202,9 километр сув қувурлари тармоғи ишга туширилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Аввал хабар қилинганидек, шу йил 28 апрель куни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Саммит ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Қуйида давлатимиз раҳбарининг ана шу нутқи матни эълон қилинмоқда.

Муҳтарам давлат раҳбарлари,
Хонимлар ва жаноблар,

Авваламбор, давлат раҳбарлари ва бу ерда ҳозир бўлган минтақавий ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакилларини, экспертларни, ушбу учрашувнинг барча иштирокчиларини қутлаш ва уларга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Айни пайтда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Абишевич Назарбоевга анъанавий меҳмондўстлик ва анжуманимиз қатнашчиларига кўрсатилаётган катта эътибор учун самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг мазкур учрашуви нечоғли долзарблигини ва мажлисда муҳокама этиладиган масалалар фақатгина минтақавий аҳамиятга эга эмаслигини таъкидлашнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Орол денгизи муаммосининг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо бу муаммонинг кўлами XX асрнинг 60-йилларида айниқса хавфли тус олди. Аҳоли сонининг кўпайиши ва сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, янги ерларни жадал ўзлаштириш, суғорма деҳқончиликни янада ривожлантириш, сув тақчил бўлган йилларнинг мунтазам такрорланиб туриши энг янги тарихдаги йирик глобал экологик ҳалокатлардан бири содир бўлишига — сайёрамиздаги энг чиройли сув ҳавзаларидан бирининг қуриб боришига олиб келди. Бутун инсоният кўз ўнгида денгиз ҳалокатга юз тутмоқда. Менингча, тарихда бундай ҳодиса илгари рўй бермаган.

Сўнгги эллик йил ичида Орол денгизи акваторияси сатҳи 4 баравардан кўпроқ қисқарди, сув ҳажми 10 мартага камайди, унинг минераллашуви эса худди шу миқдорда ошди.

Бу ерда пайдо бўлган чўл Оролбўйи ҳудудини шафқатсизларча қамраб олаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Экологик хавф доимий тус олиб, мавжуд ҳудуд ва маҳаллий аҳолининг турмуш сифати ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ёмони, у фарзандларимиз генофондига, бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли генофондига хавф солмоқда. Бу хавфнинг таъсири бугунги кунда нафақат қуриб бораётган денгиз атрофидаги минтақалар — Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилояти, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти, Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларини, балки бутун Марказий Осиё минтақасини қамраб бормоқда.

Сув ресурсларининг, жумладан, ичимлик сувининг танқислиги ва унинг сифати пасайиши, ерларнинг яроқсиз ҳолга келиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиб кетиши, атмосфера ифлосланишининг ошиши туфайли иқлим ўзгаришлари, эҳтимол, шу билан боғлиқ равишда минтақа асосий дарёлари оқимининг катта қисми ҳосил бўладиган Помир ва Тянь-Шань музликлари майдонининг қисқариб бориши — булар Орол денгизининг ҳалокати натижасида вужудга келаётган салбий оқибатларнинг кичик бир рўйхати, холос.

Бугунги кунда шуниси мутлақо равшанки, Оролбўйида келиб чиқиши ва асоратлари жиҳатидан глобал, таъбир жоиз бўлса, бутун сайёрамиз миқёсидаги мураккаб экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар комплекси юзага келган.

Экспертларнинг фикрича, тобора ҳалокатли тус олиб бораётган бундай таҳликали вазиятда шу нарса борган сари аён бўлмоқдаки, бу муаммони жаҳон ҳамжамияти ва биринчи навбатда, БМТ институтлари билан биргаликда ўзаро мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларсиз бартараф этиш мумкин эмас.

Маълумки, жорий йилнинг март ойида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилганига 16 йил тўлди ва бугун биз унинг фаолиятига доир айрим натижаларни кўриб чиқишимиз мумкин. Жаҳон жамоатчилиги, дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳукуматлари ва қатор халқаро институтлар эътиборини Орол муаммосига жалб эта олганимиз, шубҳасиз, ушбу Жамғарманинг хизматидир.

Ҳозирги вақтда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Глобал экология фонди, турли халқаро ташкилотлар ва айрим мамлакатларнинг фаол ёрдами ҳамда иштирокида минтақада истиқомат қилувчи аҳоли генофондига хавф солаётган нохуш вазиятни соғломлаштириш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2008 йилда Оролни қутқариш халқаро жамғармасига БМТ Бош ассамблеясида қузатувчи мақоминнинг берилиши унинг глобал миқёсда фаолият кўрсатиши учун янги имкониятлар очмоқда.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 2008 йили Тошкентда Орол бўйича халқаро конференция ўтказилгани ушбу ўта жиддий муаммони халқаро даражада кўриб чиқишга яна бир сезиларли туртки берди. Анжуманда 90 дан ортиқ халқаро ташкилот, Япония, Германия, Хитой Халқ Республикаси ва араб мамлакатларининг йирик давлат молия институтлари, шунингдек, етакчи тадқиқот марказлари вакиллари иштирок этгани бунинг тасдиғидир.

Форум якунлари бўйича Тошкент Декларацияси ва Орол ҳалокатининг оғир оқибатларини юмшатиш учун умумий қиймати қарийб 1,5 миллиард долларга тенг лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутадиган Ҳаракат режаси қабул қилинди.

Бизнинг фикримизча, халқаро институтлар ва донор-мамлакатлар томонидан маъқулланган ушбу Ҳаракат режасидан экспертларимиз ва Халқаро жамғарма мутахассислари Орол денгизи ҳавзасидаги минтақага ёрдам кўрсатиш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг учинчи босқичини ишлаб чиқишда самарали фойдаланишлари мумкин.

Биз, Ўзбекистонда Орол денгизини том маънода қутқариб қолишнинг амалда деярли иложи йўқлигини яхши англаймиз. Аммо бу ерда яшаётган аҳолига соғлом турмуш кечириши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида ҳар томонлама пухта ўйланган чора-тадбирлар Дастурини амалга оширишимиз шарт. Бу бизнинг бурчимиздир.

Орол қуриши оқибатларини бартараф этиш ва Орол денгизи ҳавзасини экологик жиҳатдан соғломлаштириш борасида бизнинг асосий, энг муҳим вазифаларимиз, аввало, қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз:

— Орол денгизининг қуриб қолган қисмида кичик сув ҳавзалари яратиш, чанг ва туз бўронларини қамайтириш мақсадида дельта ҳавзаларига сув етиб боришини таъминлаш, биохилма-хиллик ва дельта экотизимини қайта тиклаш;

— Орол денгизининг қуриб қолган қисмида жуда муҳим бўлган ўрмонзорлар барпо этиш, қум кўчишини тўхтатиш, денгизнинг қақраб ётган тубидан заҳарли моддалар кўтарилишини камайтириш;

— коммунал хизмат ва даволаш муассасаларини ичимлик суви билан таъминлаш ва сувни зарарсизлантирувчи қурилмалар билан жиҳозлаш, сув йиғиш иншоотларини хлорловчи қурилмалар билан қайта жиҳозлаш ҳамда аҳолининг соғлигини сақлашга хизмат қиладиган бошқа кўплаб тадбирларни бажариш;

— Оролбўйи ҳудудида кўлами тобора кенгайиб бораётган экологик таназзулнинг аҳоли саломатлиги ва фарзандларимиз, келгуси авлодларимиз генофондига таъсирини тизимли асосда ўрганиш, ушбу минтақага хос турли хавфли касалликлар одамлар орасида кенг тарқалишининг олдини олиш ва бундан огоҳлантириш, бу ерда яшаётган аҳоли учун ихтисослашган профилактика ва даволаш муассасалари тармоғини кенгайтириш, ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш.

Қайд этилган лойиҳалар ва дастурларни жорий этиш учун фақат кейинги 10 йил мобайнида Ўзбекистонда 1 миллиард долларгача ортиқ, жумладан, хорижий кредитлар, техник кўмак ва грантлар ҳисобидан қарийб 265 миллион долларга тенг маблағ сарфланди.

(Давоми 2-бетда)



ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ

маҳсулот турлари кўпайди, ҳажми ошди, йил бошидан буён биргина касаначилик соҳасида яна 328 киши иш билан таъминланди



2009 йил биринчи чораги якунига кўра, заводда 887,8 минг тонна углеводород хомашёси қайта ишланди, 59,2 миллиард сўмдан зиёд соф фойда олинди. Ишлаб чиқариш сурати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 120 фоизга ўсди. 18,2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниб, режа 100,1 фоизга бажарилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 118 фоизга бажарилди.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи Марказий Осиё минтақасида ёқилғи-мой йўналишидаги нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналардан ҳисобланади. Бугун унинг цехларида 10 минг нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

3-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2009 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2008 йил ноябрда тасдиқланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида комплекс чора-тадбирларни ва 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш борасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши 2009 йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барқарор ижобий суръатларини сақлаш имконини берди.

I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

Жорий йилнинг I чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 7,9 фоизни ташкил этди. Бу борада қуйидагилар:

саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 9,9 фоиз, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни 12,5, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини 5,7, қурилиш ишларини 12,1, чакана товар айланмасини 18,3, пулли хизматлар ҳажмини 17,6 фоиз оширишни таъминлаган ички эҳтиёжни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши;

таркибий туб ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилашни фаол давом эттириш ва бунинг натижасида инвестицияларнинг 31,4 фоиз кўпайиши таъминлангани;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида уларнинг жадал ривожланиши учун шарт-шароит яратилгани иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари бўлиб хизмат қилди.

Давлат бюджети даромадлари 100,9 фоиз бажарилди ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан бюджет профицити 0,4 фоиз миқдорда таъминланди. Инфляция даражаси 2,7 фоизни ташкил қилди ёки прогноз кўрсаткичлар доирасида бўлди. Экспорт ҳажми 2008 йилнинг тегишли даврига нисбатан 6,1 фоиз ўсди. Савдо балансининг ижобий сальдоси 206,9 миллион долларни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикасини 2009 йилнинг I чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари
(2008 йил биринчи чорагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	107,9
Саноат маҳсулотлари ҳажми	109,9
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	112,5
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	105,7
Асосий капиталдаги инвестициялар	131,4
Қурилиш ишлари	112,1
Чакана савдо айланмаси	118,3
Пуллик хизматлар кўрсатиш	117,6

(Давоми 2-бетда)

СИЁСИЙ ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

таҳлил этилди, хулосалар чиқарилди, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди

✓ ЎзХДП ҳаёти

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, Тошкент, Сурхондарё, Жиззах, Андижон ва Наманган вилоят кенгашлари пленумларида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар, Давлат дастурлари, Президентимизнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози масалаларига бағишланган китобида кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлашда партия ташкилотлари ва фаолларининг иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Пленумларда партия кенгашлари аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия ташкилотлари раҳбарлари, «Фаол аёллар, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари иштирок этишди.

— 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўпчилик мамлакатларни қамраб олди, — деди Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Назира Матёқубова. — Табиийки, бундай глобал инқироз Ўзбекистон иқтисодига ҳам таъсир қилмай қолмайди. Аммо Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида халқимиз турмушида жиддий қийинчиликларнинг олди олинмоқда.

Шунингдек, у аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса, овуллар ва донор-мамлакатлар томонидан маъ-

Шунингдек, у аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса, овуллар ва донор-мамлакатлар томонидан маиший хизмат объектларини ишга туширишмасалалари партиямиз электорати манфаатлари билан чамбарчас боғлиқлиги, партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлари ва Жўқорғи Кенгесдаги фракцияси, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолияти ана шу йўналишларга биринчи навбатда қаратилиши зарурлигини таъкидлади.

— Жўқорғи Кенгес 86 депутатининг 33 нафари бизнинг фракциямиз аъзоси, — деди Жўқорғи Кенгесдаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Сапарбой Авезматов. — Уларнинг иштирокида жойлардаги қатор камчиликлар бартараф қилинишига эришилди. Аммо фракциямиз ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ижтимоий йўналтирилган масалаларни кўтариб чиқишда етарли ташаббус кўрсатмаяпти. Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини назорат қилишга оид таклифлар тайёрлашни изчил йўлга қўйиш керак.

— Сиёсий партиялар фаоллашиб, рақобат табора кучайиб бораётган бир пайтда, кўпроқ амалий ишлар билан одамларнинг ишончини қозониш, тарафдорларимизни кўпайтириш мумкин, — деди «Ўзбекистон овози» газетаси мухбири Рейимбой Ешимбетов. — Пленум иштирокчилари Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазири Маҳсуд Ерназаровнинг Инқирозга қарши чоралар дастури ижросининг бориши тўғрисида ҳисоботини тинглашди. Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олди.

Пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов иштирок этди ҳамда партия ташкилотлари, депутатлик тузилмалари, фаоллар олдида турган долзарб вазифалар ҳақида сўз юритди.

Алписбой ИБОДУЛЛАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Шу юксак минбардан туриб, менга берилган имкониятдан фойдаланиб, Орол фожиасини юмшатишда бизга катта ёрдам кўрсатган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тузилмаларига, барча донор-мамлакатларга чуқур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг инсоний бурчим, деб биламан.

Яна бир муҳим масала тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Орол фожиаси ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар ҳақида сўз борганда, табиийки, ушбу вазифани ҳал этиш бевосита сув-энергетика ресурсларидан оқилона ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш, минтақадаги ўта нозик бўлиб турган экологик ва сув мувозанатини сақлашга эҳтиёткорлик билан ёндашиш муаммолари билан боғлиқ эканини барчамиз яхши англаймиз.

Бугун Оролбўйи ҳудудида ва умуман минтақада юзага келган ниҳоятда жиддий ва тобора оғирлашиб бораётган экологик вазиятда Орол денгизи қуриши туфайли юз бериши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш борасида ғоят муҳим чоралар кўриш кераклигини кимгадир исботлаб ёки кимнидир бунга ишонтириб ўтиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳурматли учрашув қатнашчилари,

Давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви чоғида кенгайтирилган таркибдаги музокарада фақат битта масала — Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг фаолияти ва унинг истиқболдаги асосий вазифаларини муҳокама қилишга келишиб олинган эди. Бироқ айрим ҳамкасбларимиз ўз сўзларида кенгайтирилган таркибдаги музокарадаги келишувимиз доирасидан чиқиб кетди. Шунга қарамай, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолияти доирасидан анча йироқ бўлган масалалар юзасидан бугун баҳс-мунозара уюштиришдан ҳеч қандай маъно йўқ, деб ўйлайман.

Мен фақат биз учун жуда муҳим бўлган бир воқеа, яъни яқинда Жаҳон банки президенти жаноб Роберт Зелликдан олинган ва Ўзбекистон матбуотида эълон қилинган мактуб ҳақида яна бир бор эслатиб ўтишни истардим. Бу хат Ўзбекистон Республикаси Президентининг бугунги кунда Марказий Осиёда бутун минтақа гидроэнергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланиш билан боғлиқ барча мураккаб муаммолар аниқ баён этилган мактубига билдирилган жавоб эди.

Сўнгги йилларда мазкур масала юзасидан жиддий баҳс ва муҳокамалар олиб борилмоқда. Минтақамиздаги икки азим дарё — Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатлар билан бу дарёларнинг қуйи қисмидаги мамлакатлар — Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон ўртасидаги баҳслар чоғида вужудга келган турли қарашларнинг бўлишини табиий ҳол, деб ҳисоблайман.

Тожикистон ва Қирғизистон, аввало, фақат ўз манфаатларини кўзламоқда. Ҳолбуки, бу ерда гап ҳар бир алоҳида давлат манфаатлари ҳақида бормоқда. Бу фақат бугунги куннинг манфаатлари эмас, балки келажакнинг ҳам манфаатлари эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки, бу ерда айтилганидек, совет даврида сув-энергетика дастурларини амалга ошириш борасида шу қадар кўп хатоларга йўл қўйилганки, бугун бу ҳақда афсусланиб гапиришга тўғри келади. КПСС Марказий Қўмитаси, Сиёсий бюро ва СССР Министрлар Совети қарорларига биноан қабул қилинган Сибирь дарёларини Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудларига буриш ва бошқа кўплаб ташаббуслар ана шундай улкан лойиҳалар сирасига киради.

Ишончим комилки, бундай «буюк лойиҳалар»нинг бирортаси ҳам пухта ўйланмасдан ишлаб чиқилган бўлиб, улар нафақат халқаро, балки умуман ҳеч қандай жиддий экспертизадан ўтмаган ва бу фикрни тасдиқлайдиган далиллар етарлидир.

«Партия қарорлари — ҳаётга» деган шиорга асосланиб, оқибати ўйланмай қилинган бундай ишлар нафақат бизнинг минтақамиз, балки собиқ Совет Иттифоқининг бошқа катта ҳудудларида ҳам шунчалик кўп муаммолар туғдирганки, бугунги кунда экологлар улар ҳақида афсус ва норозилик билан сўз юритмоқдалар.

Бу — алоҳида мавзу, албатта. Лекин бугун шу нарса аёнки, Марказий Осиё ҳудудида мазкур сув омборлари, гидростанциялар ва бошқа иншоотларнинг қурилишига муносабатлар турлича бўлмоқда. Бу эса кўзда тутилган асосий масала — электр энергияси олиш масаласини ҳал этиш билан бир қаторда, бугун биз ҳар қадамда тўқнаш келаётган кўплаб экологик муаммоларни ҳам келтириб чиқараётгани билан боғлиқдир. Шу боис бу борада баҳс-мунозаралар бўлиши мутлақо табиий ва қонуний ҳолдир.

Биз фақат минтақада янгидан қурилиши бошланаётган барча йирик гидроэнергетика иншоотлари бўйича мустақил халқаро экспертиза ўтказиш тарафдори эканимизни яна бир бор таъкидламоқчиман, холос. Бу борада бизни нафақат Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки, балки Европа Иттифоқи ҳам қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, минтақамизга, жумладан, Тожикистон ва Қирғизистонга бир неча марта келиб кетган Европа Иттифоқи вакили жаноб Морель ҳам шу ҳақда гапирган эди.

Шу сабабли бу ерда гап нафақат Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларнинг нуқтаи назари ҳақида, балки амалда бутун жаҳон жамоатчилигининг фикри ҳақида бормоқда. Шу билан бирга, мен бундай баҳслар бўлиши табиийлигини, лекин мунозарани яна-да кескинлаштирадиган фикрлардан тийилиш зарурлигини таъкидлашни истардим. Минтақадаги бу жараёнларга таъсир кўрсатишга уринаётган айрим учинчи мамлакатлар қандай стратегик мақсадларни кўзлаётгани тобора аён бўлиб бормоқда.

Биз, ўз халқи олдида, тарих олдида масъул бўлган давлат раҳбарлари, аввало, бугун ушбу баҳс-мунозараларни авж олдирмасдан ва уларга сиёсий тус бермасдан, умумий ёндашув нуқталарини топишимиз даркор, деб ўйлайман. Акс ҳолда, мамлакатларимиз, халқларимиз манфаатлари бир четда қолиб, учинчи кучларнинг стратегик ҳамда геосиёсий манфаат ва мақсадлари, минтақани бошқариш билан боғлиқ масалалар олдинга чиқиб қолиши мумкин.

Энг асосийси — мамлакатлар ва давлат раҳбарлари ўртасидаги муносабатларни кескинлаштирмасдан, аксинча, ўзаро муросага келишдир. Бу борада биз учун бошқа йўл йўқ. Яна бир бор шуни таъкидламоқчиманки, мен ҳам бошқалар каби Тожикистон ва Қирғизистон манфаатларини ҳурмат қиламан. Лекин барибир ўзаро келишувга эришишимиз даркор, негаки, бусиз ушбу ўта муҳим масалани ҳал этиб бўлмайди.

Бугунги учрашувда Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг чиқишини, у илгари сурган айрим, айтиш мумкинки, принципиал тамойилларни тўлиқ қўллаб-қувватлашимни қайд этмоқчиман. Унинг Туркманистон позицияси баён этилган фикрига кўра, «биз ушбу минтақада давлатлар манфаатлари мувозанатига эришишимиз даркор». Бу сўзларда ҳамма гап айтилган.

Агар биз мувозанатга эришолмасак ва ўзаро муросага келолмасак, бу муаммони ҳал эта олмаймиз ва унинг ечими узоқ йилларга чўзилиб кетади. Қолаверса, ким ўз мақсадига эриша олиши ҳам ҳали номаълум — биз, яъни ушбу минтақада яшаётган халқларми ёки, пировард натижада, бошқаларнинг манфаатлари амалга ошадими? Бу борада «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» деган принцип — эскидан маълум бўлган савдо амалга ошгудек бўлса, биз кимларнингдир қўлида арзимас тангага айланиб қолишимиз мумкин.

Бунга йўл қўйишга эса бизнинг асло ҳаққимиз йўқ.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2009 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

II. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида корхоналарни молиявий ва кредит жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирларни амалга ошириш натижалари

2009 йилнинг I чорагида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 16 фармон ва қарорлар, Вазирлар Маҳкамасининг 18 қарори, фармойиши ва бошқа ҳужжатлари, вазирликлар, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг 5 меъёрий ҳужжати қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларнинг ўз вақтида қабул қилиниши ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг фаол амалга оширилиши иқтисодиётни барқарор ривожлантиришни таъминлаш имконини берди.

Жорий йил I чорагида мамлакатимиз корхоналарига қатор имтиёз ва преференциялар, жумладан, Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган кредит ва бюджет кўмаги берилди, хусусан:

истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга имтиёзлар бериш ва саноат ишлаб чиқариши билан шуғулланадиган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови солиқ ставкасини 8 фоиздан 7 фоизга камайтириш. Натижада ушбу солиқ бўйича 2009 йилнинг I чорагида бюджетга тушумлар миқдори 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 42,1 фоиз ошди ва бу мазкур чораларнинг самарадорлигидан далолат беради. Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 112,5 фоизни ташкил қилди. Ҳисобот чорагида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича 50 га яқин янги корхона ташкил этилди;

5 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун мақсадли ресурслар ҳисобидан умумий қиймати 104 миллиард сўмдан ортиқ бўлган **имтиёзли кредитлар бериш.** Бундан ташқари, жорий йил I чорагида тижорат банклари томонидан экспорт қилувчи корхоналарга уларнинг айланма маблағини тўлдириш учун 52 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар берилди. Бу эса айрим корхоналарни маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича вақтинчалик қийинчиликлар туфайли уларда ишлаб чиқариш тўхтаб қолишини олдини олиш имконини берди;

187 корхонада **қайта ташкил этиш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш** натижасида ушбу корхоналарда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва молиявий фаолият яхшилангани кузатилмоқда: 79 корхона ўртача ойлик ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш ҳажмини ўтган йилга нисбатан 20 фоиздан кўпроқ оширди, 71 корхонада реконструкция ва техник қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Шу мақсадлар учун 33,8 миллиард сўм ва 7,2 миллион доллар сарфланди. Қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг фойдаланилмаётган қувватлари негизида 67 янги корхона ташкил этилди.

III. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва ички талабни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар натижалари

32 йирик хўжалик бирлашмаси таркибига кирувчи 563 корхонада **ишлаб чиқариш таннархини камайтириш бўйича** комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида 249 корхона базасида 707 лойиҳа бўйича маҳаллийлаштирилаётган тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқариш ҳажми 808,4 миллиард сўмни ташкил қилди ва бу 2008 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан 1,3 баравар кўпдир. Бунда импорт ўрнини босиш самарадорлиги 296,9 миллион долларни ташкил қилиб, 2008 йилнинг шу даврига қараганда 1,7 марта ошди.

IV. Иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартириш ва диверсификация қилиш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини жадаллаштириш

Иқтисодиётнинг реал секторида инвестиция фаоллигининг ресурс базасини кенгайтириш чора-тадбирлари.

Жорий йилнинг I чорагида **банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларнинг** амалга оширилиши натижасида банк тизимининг барқарорлиги сезиларли равишда мустаҳкамланди, банклар жами капиталининг 46,3 фоизи ўсгани бунинг далилидир. Реал секторга сарфланган кредит маблағлари умумий миқдори 34,5 фоиз ошди. Банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар миқдори 65,7 фоиз кўпайди. Аҳолининг тижорат банкларидаги омонати 76,2 фоиз ўсди.

Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг I чорагида барча молиялаш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 2,65 триллион сўмни ташкил этди ва қиёсий нархларда 31,4 фоиз ошди. Манбалар кесимида, бюджет маблағларининг қиёсий ўсиши 71,8 фоиз, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари 42,4 фоиз, банклар кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 25,4 фоиз, корхоналарнинг ўз маблағлари 16,4 фоиз ва аҳоли маблағлари 10,3 фоизни ташкил қилди. Капитал қўйилмалар таркибида корхоналар ва аҳоли улушининг юқорилиги сақланиб қолмоқда (56,2 фоиз). Бу эса инвестиция фаоллигининг барқарорлигидан далолат беради.

Иқтисодиётга капитал қўйилмалар умумий миқдоридан ишлаб чиқариш қурилишига инвестицияларнинг 72,4 фоизи, жумладан, модернизация қилишга 33 фоизи йўналтирилди.

Ўзлаштирилган чет эл инвестициялари миқдори 418 миллион долларни, уларнинг умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 22,3 фоизни ташкил этди. Бунда тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари миқдори 356,5 миллион долларни ташкил қилиб, 2,5 бараварга кўпайди. Уларнинг чет эл инвестициялари ва кредитлари умумий миқдоридаги салмоғи 85,3 фоизга етди.

2009 йилнинг I чораги якунларига кўра, 54 та ишлаб чиқариш объекти, жумладан, озиқ-овқат саноатида 25, енгил саноатда 8, қурилиш материаллари саноатида 17, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида 3 та объект ишга туширилди. Капитал қўйилмалар миқдорининг кўпайиши жорий йил биринчи чорагида қурилиш ишлари ҳажмини республика бўйича 12,1 фоиз оширишни таъминлади.

2009 йилда **иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурлари** доирасида 148 инвестиция лойиҳаси амалга оширилади ва улардан 84 тасини шу йил якунлаш кўзда тутилган. Жорий йилнинг I чорагида қайд этилган лойиҳаларни молиялаштириш учун 98,7 миллион доллар йўналтирилди. «Кувасойцемент» очиқ акциядорлик жамиятида янги хомашё тегирмонини қуриш ва ишга тушириш, Андижон вилоятидаги «Полвонтош текстиль» масъулияти чекланган жамияти тўқимачилик корхоналарини ва Тошкент вилоятидаги «Озборн текстиль» хорижий корхонасини модернизация қилиш ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ниҳоясига етди. Мазкур объектларни ишга туширилиши цемент ишлаб чиқариш учун 300 минг тонна хомашё тайёрлаш, йилига қўшимча 11,7 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш ва 400 кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Жорий йилда Марказий Осиёда илк бор «Навоийазот» ва «Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамиятларида БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича ҳадли конвенциясининг Киото протоколи доирасида соф ривожланиш механизимини қўллаган ҳолда, экологик тоза технологияларни жорий этишни кўзда тутувчи 6 та лойиҳа рўйхатга олинди. Ўтган чорак давомида нефть, газ, кимё соҳасида (синтетик суюқ ёқилғи, суюлтирилган газ, полиэтилен, полипропилен ишлаб чиқариш), автомобилсозлик, электр энергетика соҳасида (ИЭСда БГҚ қуриш) каби қатор инновация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишлари давом эттирилди.

Янги ташкил этилаётган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлаштириладиган лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Айни пайтда мазкур зонада ободонлаштириш ва ташқи коммуникацияларини барпо этиш ишлари бошланди.

Электроэнергетика соҳасини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежаш тизимини жорий этиш бўйича тадбирлар доирасида тендер савдолари якунланиб, Тошкент иссиқлик электр станциясининг буғ-газ қурилмасини жорий этган ҳолда модернизация қилиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир чоралар кўрилмоқда. Тошкент шаҳрининг 3 туманида электр энергияси бўйича тўловларни йиғиш вазифасини хусусий оператор компанияларга топшириш бўйича ўтказилган тажриба тўловларни йиғиш 90 фоизга етганини, тижорат йўқотишларни 13 фоизгача камайганини кўрсатди.

Саноатдаги таркибий қайта ўзгартиришлар натижалари. 2009 йилнинг I чораги давомида инвестиция лойиҳаларини фаол амалга ошираётган ёқилғи (2008 йилнинг шу даврига қараганда 118,3 фоиз), кимё ва нефть-кимёси (116,8 фоиз), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоғи (115,5 фоиз), қурилиш материаллари (122,9 фоиз), ёғоч, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз (115 фоиз), қора металлургия (112,3 фоиз) саноатларида маҳсулотлар ишлаб чиқариш жадал ўсгани қайд этилди.

Юқорида қайд этилган тармоқларда ишлаб чиқариш ўсишининг юқори суръатлари авваламбор, мамлакатимизда янги ишга туширилган ва ишлаб чиқаришни техник модернизация ва диверсификация қилиш доирасида модернизация қилинган корхоналар ҳисобидан таъминланмоқда.

V. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани барпо этиш, қишлоқни ободонлаштириш дастурларини амалга ошириш

Ҳисобот даврининг 2009 йилда қишлоқ жойларда фойдаланишга топшириладиган қўшимча ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари рўйхати, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурига киритилган лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштиришга доир тадбирлар тасдиқланди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида 3048,2 километрлик туманлар ва хўжаликлараро коллектор-дренаж тармоғи тозаланди. Ихтисослашган пудратчи ташкилотларни замонавий мелиорация техникаси билан таъминлаш ишлари давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг I чорагида ирригация тизимларини реконструкция қилиш ва ишлашини таъминлаш, шунингдек, сув омборлари қурилиши учун 156,3 миллирад сўм йўналтирилди.

Бухоро (54,3 га), Жиззах (291 га), Қашқадарё (200 га), Навоий (50 га), Наманган (50 га), Самарқанд (53 га) ва Фарғона (100 га) вилоятларида жами 800 гектар майдонда **томчилатиб суғориш тизимини** жорий этиш ишлари бошланди. Бухоро (54,3 га), Навоий (10 га), Фарғона (11 га) вилоятларида эса томчилатиб суғориш тизими қурилиши амалга оширилмоқда.

I чорак давомида давлат бюджети ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан **сув таъминоти ва канализация** соҳасида 20 лойиҳа амалга оширилди. Республика бўйича ҳисобот чорагида жами узунлиги 237,7 километр сув қувури ва 249,1 километр газ узатиш тармоғи ишга туширилди. Халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумий фойдаланиладиган **автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш**, жумладан, Ўзбекистон миллий автомагистрали участкасини барпо этиш ишлари жадал амалга оширилиб келмоқда.

Ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш доирасида жорий йил I чорагида қишлоқ жойларда қўшимча равишда 1219,8 минг квадрат метр уй-жой, 220,6 километр газ узатиш ва 202,9 километр сув қувурлари тармоғи ишга туширилди. Қишлоқ жойларда уй-жойлар, ишлаб чиқариш ва маиший объектларни таъмирлаш ҳамда қуриш, объектларни тўла тайёр ҳолда топшириш ишларини бажарувчи 91 та қурилиш-таъмирлаш ташкилоти ташкил этилди. Қишлоқ жойларда ягона типдаги уй-жойларни қуришни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки ташкил этилди ва унинг қишлоқларда кенг кўламда ягона типдаги уй-жойларни қуриш имконини берадиган устав жамғармаси манбалари шакллантирилди. Жорий йилнинг I чорагида, асосан, **қишлоқни ободонлаштириш дастурини** амалга ошириш бўйича ресурс, институционал ва ташкилий базани яратиш ишлари амалга оширилди. Бундан кўзланган мақсад кейинги даврларда ушбу дастурнинг асосий вазифаларини самарали рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратишдан иборат.

Ҳудудий ободонлаштириш органларини замонавий ва махсус транспорт воситалари билан жиҳозлаш, маҳаллий бюджетларни шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармаларини ишлаб чиқариш ходимлари билан тўлдириш учун қўшимча молия ресурслари билан таъминлаш ишлари амалга оширилди.

Замонавий меъморчилик-шаҳарсозлик талаблари ҳисобга олинган ҳолда, шаҳар ва туман марказларини ободонлаштириш бўйича Ишларни ташкил этиш қоидалари ҳамда тариф ставкалари ўртача 25 фоизга оширилган ҳолда, ободонлаштириш ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича соҳага оид тариф сеткаси тасдиқланди.

VI. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш

Янги қишлоқ хўжалик йили бошида фермер хўжаликларини йириклаштириш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун шароит яратиш бўйича ишлар тўлиқ якунланди. Аҳолининг озиқ-овқат товарларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида пахта экиладиган ерларни 75,8 минг гектарга қисқартириш ҳисобидан бошоқли экинлар етиштириладиган экин майдонлари 48,8 минг, сабзавот ва картошка экиладиган майдонлар 14,6 минг, ноанъанавий мойли экинлар майдони 12,4 минг гектарга кенгайтирилди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка тайёрлаш, сақлаш ва улгуржи сотиш бўйича «Мевасабзавоттайёрловсавдо» ихтисослашган ҳудудий компанияларини ташкил этишга доир чора-тадбирлар амалга оширилди. 1285 қайта ишлаш корхонаси, агрофирма, фермер хўжалиги, озиқ-овқат (деҳқон) бозори, тижорат банки, транспорт ва бозор инфратузилмасининг бошқа корхоналари ушбу компаниялар таъсисчилари бўлди.

2010-2011 йиллар давомида минитехнологиялар билан жиҳозланган 963 қайта ишлаш корхонаси, жумладан, мева-сабзавотни қайта ишлаш бўйича 177, гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 209, сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 224 ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 353 корхона ташкил этишни кўзда тутувчи ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди.

Ҳудудларда ташкил этилаётган қайта ишлаш корхоналарини зарур хомашё (мева-сабзавот, гўшт-сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари) билан таъминлаш мақсадида Аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга мувофиқ жорий йилда 5510 минг тонна сабзавот, 1477 минг тонна мева, 899,4 минг тонна узум, 1365 минг тонна гўшт (тирик вазнда) ва 5778 минг тонна сут ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

2009 йилнинг I чораги якунларига кўра, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича минитехнологиялар ва ихчам ускуналардан фойдаланадиган 27 янги корхона ташкил этилди.

Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш, сервис хизматлари тармоғини ташкил этиш ва чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастурининг амалга оширилиши натижасида **чорвачиликни ривожлантиришда** ижобий силжишлар қайд этилди. Чорвачилик дастури доирасида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига кимошди савдолари орқали 6146 бош зотдор мол сотилди, ҳориждан 1237 бош зотдор мол келтирилди, 4992 бош сигир кам таъминланган оилаларга бепул берилди. Тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан қорамол сотиб олиш учун 8,4 миллиард сўм ажратилди. Корхоналар 170,6 минг тонна омухта ем ишлаб чиқарди.

Кўрилган чоралар натижасида қорамоллар сони 8008,3 минг бошга етди ёки 2008 йилнинг тегишли даврига нисбатан 108,2 фоизни ташкил этди, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажми 5,7 фоиз ошди. Ўтган йилнинг биринчи чорагига қараганда сабзавот (115,5 фоиз), гўшт (106,7 фоиз), сут (106,8 фоиз) ва тухум (112,6 фоиз) кўп ишлаб чиқарилди.

VII. Хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини жадал ривожлантириш

Кичик бизнес учун солиқ ва маъмурий юкни камайтириш, Инқирозга қарши чоралар дастурини, шунингдек, иқтисодиётни модернизация қилиш, уни ички бозорга йўналтириш ва мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган бошқа дастурларни амалга оширишга доир кўрилаётган чора-тадбирлар **кичик бизнесни** қўшимча равишда қўллаб-қувватлашни таъминлади.

Жорий йилнинг I чорагида 3769 янги кичик корхона рўйхатга олинди, чорак давомида уларнинг сони (фермер хўжаликлари ҳисобга олинмаганда) 1,8 фоиз кўпайди. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 36,2 фоиз (2008 йилнинг I чорагида 35,1 фоиз), саноатда 14,1 фоиз (11,6 фоиз), бандликда 73,7 фоиз (72,5 фоиз), экспортда 13,8 фоиз (12,5 фоиз)ни ташкил қилди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 111,4 фоизни ташкил қилди ва бу тармоқ бўйича ўртача кўрсаткичдан юқоридир.

I чорак давомида **Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини** рўёбга чиқариш доирасида хизмат кўрсатиш соҳасида барқарор ривожланиш суръатини сақлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилди. Энг юқори ўсиш суръатлари банк-молия соҳасида 48,4 фоиз, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида 42,5 фоиз, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 18,1 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар ҳам жадал ривожланди. 400 чакана савдо объекти, 89 умумий овқатланиш объекти ва маиший хизматлар кўрсатиш бўйича 817 объектнинг ишга туширилиши натижасида қишлоқ жойларда 33,1 мингта иш ўрни ташкил этилди. Қишлоқ жойларда барча турдаги хизматлар улуши 2008 йилнинг биринчи чорагидаги 22 фоиз ўрнига 24 фоизга етди. Иқтисодиёт бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми 16,6 фоиз ошди, ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоқли улуши 45,5 фоизни ташкил этди. 2008 йилнинг I чорагида бу кўрсаткич 44,4 фоиз эди.

VIII. Аҳоли бандлиги ва даромадлари

Ҳисобот даврида 208,6 мингта янги иш ўрни (2008 йилнинг I чорагида 170 мингта), жумладан, қишлоқ жойларда 148,2 мингта иш ўрни яратилди. Бунда Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган қўшимча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли 53,8 мингта иш ўрни ташкил этилди. Кичик бизнесда 91,7 мингта, хизматлар кўрсатиш соҳасида қарийб 54 мингта иш ўрни яратилди. Аҳоли бандлик даражаси юқори бўлмаган 30 та туманда 31 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилди.

Касаначиликни ривожлантириш учун рағбатлар тизими, шунингдек, касаначиликни ривожлантириш негизида корхоналар ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш қўшимча равишда 50 мингдан ортиқ, жумладан, корхоналар билан биргаликда 23,1 минг, пудрат ва оилавий бизнес шартномалари асосида 27,5 минг янги иш ўрнини яратиш имконини берди. Республика бўйича жами 280 мингдан ортиқ киши касаначиликка жалб этилди.

Меҳнат бозорида фаол сиёсат юритиш аҳоли бандлигининг 2,7 фоиз ўсишига ёрдам берди, иш билан бандлар сони ўтган йилги кўрсаткичга қараганда 293,2 минг кишига кўпайди ва қарийб 11 миллион кишини ташкил қилди.

Ўртача белгиланган иш ҳақи 40,2 фоиз, пенсияларнинг ўртача миқдори 51,9 фоиз кўпайди. Жорий йилнинг январь-февраль ойларида аҳолининг пул даромади 21,5 фоизга ошди.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов белгилаб берган 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларининг амалга оширилиши туфайли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган шароитда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг ижобий суръатини сақлаш ва ижтимоий туб ўзгаришларни давом эттириш таъминланмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳаларида, биринчи навбатда, иқтисодиётни модернизация қилиш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни ривожлантириш, ички талабни рағбатлантириш, аҳолининг, айниқса, қишлоқ аҳлининг бандлик даражаси ва даромадларининг ўсишини таъминлашга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини ҳаётга кенг қўламда татбиқ этиш келгусида барқарор ривожланишнинг муҳим омили бўлади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ

маҳсулот турлари кўпайди, ҳажми ошди, йил бошидан буён биргина касаначилик соҳасида яна 328 киши иш билан таъминланди



Заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг сифат кўрсаткичлари билан мамлакат ички бозорида ҳам, хорижий шерикларда ҳам ишонч қозонган. Япониянинг «Тои инжиниринг» компанияси ҳамкорлигида бунёд этилган дизель ёнилғиси таркибини тозалаш қурилмаси ишга тушгач, бу маҳсулот энг юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эга бўлди. Маълумки, мамлакат ҳаво кемалари парки замонавий лайнерлар ҳисобига кенгайди. Ўзбекистонга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганлиги туфайли юртимизга қатнаётган «Боинг», А-300 туркумидаги самолётлар кўпаймоқда. Навоийда эркин иқтисодий макон ташкил этилиши ҳам бу каби ҳаво кемалари сафи янада кенгайишидан далолат бермоқда. Шунинг учун завод жамоаси олдига «ЖЕТ-А-1» русумли авиаёқилғи ишлаб чиқариш вазифаси қўйилганди. Шу йилнинг биринчи чорагида унинг дастлабки партияси синовчиларга етказиб берилди.

Маълумки, ушбу завод МДҲ доирасида ҳам углеводород хомашёсидан нефть мойлари ажратиб оладиган ноёб технологияга асосланган корхона ҳисобланади.

Истеъмолчилар эҳтиёжини тўла қондириш, корхонада нефть маҳсулотлари турларини кўпайтириш, жаҳон талабларига жавоб берадиган, республикамизга валютага олиб келаётган мойлар ўрнини босадиган, сифатли нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида заводда етти хилдаги САЙЕ (SAE) русумли ва уч турдаги бензин двигателлари учун мўлжалланган ЭСЭЛ (SL) русумли мотор мойлари ҳамда олти турдаги суртиш мойлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, 37 фоиз қурилма ва технологиялар 40 йилдан ортиқ давр мобайнида ишлаб келмоқда эди. Бу эса доимо янгилаш ва модернизациялаш тадбирларига эътибор беришни талаб этади. Ҳозирги кунда қурилмаларнинг бирида вакуум блокини модернизация қилиш, яна бирида ултра товушли реактор ўрнатиш каби мураккаб жараёнлар амалга оширилаяпти.

— Коксни тоблаш қурилмаси носозлиги туфайли узоқ йиллардан буён ишламай турарди, — дейди завод бош муҳандиси Рустамжон Эгамбердиев. — Уни таъмирлашга хорижий компаниялар 2,5 миллион евро талаб қилди. Шунда ўзимиз масалани мукаммал ўрганиб чиқдик ва ўз қўлимиз билан уни таъмирлаб, қайта ишга туширдик. Меҳнат биржаси йўлланмаси билан келган 50 нафар киши ишга қабул қилинди. Ҳозир тобланган кокснинг дастлабки партияси экспортга жўнатилди. Йил охиригача Эроннинг ўзига 50 минг тонна маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома туздик.

Ҳа, завод мутахассислари ғоят мураккаб технологияни ишга тушириб, ўзларига бўлган ишончни мустаҳкамладилар. Ижодий изланишлар давом эттирилиб, яна бир қурилма ишида самарадорликни оширишга эришилди. Илгари суюлтирилган газни автоцистерналарга қуйиб жўнатиш имконияти йўқ эди. Энди завод ҳудудида ана шундай шоҳобча қуриб битказилди. Бу эса истеъмолчиларга яратилган қулайликлардан биридир.

— Биз буғ кондецатини «Фарғона иссиқлик энергия маркази»га қайтарганимизда унинг таркибида бўлган нефть маҳсулотлари қолдиғини тозалаш учун йилига 840 миллион сўм тўлар эдик, — дейди бош технолог Равшан Шарафиддинов. — Энди шундай қурилмани ўзимиз яратдик ва заводдан тозаланган буғ конденцатини чиқараяпмиз. Тежалган маблағ корхона иқтисодиётини мустаҳкамлашга қаратилмоқда.

Изланувчан мутахассислар ижодкорлиги туфайли ҳавога чиқариб ташланадиган газ энди ТЭЦга қувурлар орқали етказиб берилмоқда. Натижада у соатига 2,5 минг кубометр газ билан таъминланяпти ёки бошқача айтганда ТЭЦ шунча газ ёнилғисини тежаб қолмоқда. Бу каби тадбирлар туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида заводда таннарх харажатларини камайтириш туфайли 59 миллард сўмдан зиёд маблағ иқтисод қилинди.

Ишлаб чиқариш ва иқтисоддаги бундай барқарорлик шерикчилик асосида ишламоқчи бўлаётган хорижий корхоналар эътиборини тобора кўпроқ жалб қилмоқда. Россиянинг «Инжнефть» корхонаси фарғоналик ҳамкасблари билан йилига 500 минг тонна рафинат мойини ишлаб чиқариш қувватига эга янги гидробарқарорлаштириш технологик қурилмаси лойиҳаси устида иш олиб бормоқда.

Жаҳондаги турдош корхоналарда ишлаб чиқариш қувватлари пасайиб, маҳсулот ҳажми камайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон нефть саноатидаги тараққиёт давлатимизнинг бош ислоҳотчи сифатида олиб бораётган сиёсати натижаси, деб баҳолаш тўғри бўлади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *корхона фаолиятидан лавҳалар.*

(Давоми. Боши 1-бетда)

КОЛЛЕЖДАН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА

Ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки улар орасида олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришни истовчилар кўп. Шунинг учун жойларда «Олий ўқув таълим муассасаларига тўғри йўналтириш» тадбирлари ташкил этилмоқда.

Юнус Ражабий номли Тошкент педагогика коллежида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг бошланғич таълим факультети кафедра мудири, профессор Барно Абдуллаева ва математика кафедраси доценти Маманазар Жумаев билан бўлган учрашув ҳам ана шу мавзуга бағишланди. Университет фаолияти, дарс жараёнлари, бошланғич таълим факультетининг йўналишлари ҳақида ёшларга батафсил маълумот берилди. Жумладан, бошланғич синфларда математика дарсида фойдаланиш учун яратган янги электрон дарслиги ва ундан фойдаланиш усуллари намойиш этилди.

— Мен коллежни битиргач, педагогика университетига ўқишга кириш ниятидаман, — дейди 301-гуруҳ ўқувчиси Фотима Дуйсебоева. — Тадбир давомида бўлган савол-жавоблар келгуси тайёргарликка аниқ йўналиш берди. Шунга асосан тайёрланиб, насиб этса олий ўқув юртининг бошланғич таълим факультетига ўқишга киришга ҳаракат қиламан.

Тадбирдан сўнг ёшлар ана шундай учрашувларни бошқа олий таълим муассасалари вакиллари билан ҳам ўтказиш истагини билдиришди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ЭЛЧИНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ ҳақида қарор қабул қилди

Венесуэла ҳукуматининг бу ҳаракатига қуйидагилар сабаб бўлган.



Перу маъмуриятининг Венесуэланинг Сулия штати собиқ губернатори, Маракайбо шаҳрининг экс-мэри, «Янги вақт» муҳолиф партияси етакчиси Мануэл Росалесга сиёсий бошпана берган.

Гап шундаки, Венесуэла прокуратураси шу йил март ойида собиқ губернаторни порахўрликни авж олдирганликда, кўплаб давлат маблағларини ўзлаштирганликда айблаган эди.

Венесуэла Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида айтилишича, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида, Интерпол томонидан қидирувда бўлган М. Росалесга Перу маъмуриятининг сиёсий бошпана бериши нафақат Венесуэланинг Перу билан муносабатлари совишига олиб келади, балки бу ҳаракат халқаро ҳуқуқ меъёрларининг бузилиши ҳамдир. Шунинг учун Венесуэла барча алоқаларни қайтадан кўриб чиқади.

Перу ташқи ишлар вазири Гарсия Белауднинг айтишича эса Росалесга инсонпарварлик нуқтаи назаридан бошпана берилган. Бу икки давлат ўртасидаги муносабатлар ёмонлашишига олиб келмаслиги лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, Росалес иши юзасидан 20 апрелда суд белгиланган эди. Аммо у судга келмади. Агар у айбли, деб топилса, 3 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

ЁПИЛГАН БАНКЛАР СОНИ 29 тага етди

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози боис АҚШда ўтган ҳафтада 4 та банк фаолиятини тўхтатди. Шундай қилиб, жорий йил бошидан бери банкрот, деб эълон қилинган банклар сони 29 тага етди. Бу рақам 2008 йил давомида ёпилган банклар сонидан 4 тага кўпдир.

Бу ҳақда «Associated Press» АА хабар тарқатди.

ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИ ошиб бормоқда

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Испанияга ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида ишсизлик 17,4 фоизга чиқди. Умумий ишсизлар сони 4,01 миллион кишига етди.

Бу ҳақда Испания миллий статистика институти расмий хабар тарқатди.

Мамлакат Меҳнат вазирлигининг маълум қилишича, январь ойининг ўзида ишсизлар сони 6,35 фоизга ошган.

Ўтган йилнинг охирги чорагида Испанияда ишсизлик 13,9 фоиз эди. Кейинги бир йилда ишсизлар сони 1,836 миллион кишига кўпайди.

Экспертларнинг ҳисоб-китоб қилишларича, агар ишсизликнинг ортиши шу тарзда давом этса, келгуси йили ишсизлар 20 фоизга етади.

АТИГИ 12 НАФАР ЕТИМ фарзандликка олинган

Хитойнинг «Синьхуа» АА маълум қилишича, ўтган йил май ойида Сичуан музофотида юз берган зилзила оқибатида ота-онаси ва бошқа барча қариндош-уруғларидан айрилган 623 нафар боланинг атиги 12 нафаригина фарзандликка олинган. Қолганлари эса интернатларда яшамоқда. 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган бу болаларга ҳар ойда 88 долларга тенг миқдорда нафақа пули тўланади.

Эслатиб ўтамиз: 2008 йил 12 май куни Сичуан музофотида 8 магнитудага тенг кучланишли зилзила рўй бериши натижасида 69 минг 226 киши ушбу табиий офат курбонига айланган. 18 минг одамнинг тақдири эса номаълум, яъни ном-нишонсиз. Табиий офатдан кўрилган зарар триллион юандан ошиб кетди (150 миллиард доллар атрофида).

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотни мукаммал таъмирлаш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти 4Н-613 «Бойсун — Дуоба» автомобиль йўлининг 12-20 км. қисмини мукаммал таъмирлаш.

Буюртмачининг бошланғич нархи:
— қўшилган қиймат солиғи билан — 2034,586 млн. сўм,
— қўшилган қиймат солиғисиз — 1695,488 млн. сўм.
Иншоотнинг қурилиш муддати — 425 кун.
Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзили: *Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.*

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — **Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари йўл жамғармаси маблағи** ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳар, Амир Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳар, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

AGROBANK

МАБЛАҒИНИ КЎПАЙТИРИШНИ ИСТАГАНЛАР УЧУН!

Пулингизни самарали бошқарибгина қолмай, пул ютуқлари ҳамда қиймат-баҳо совғаларнинг, яъни музлаттич, кир ювиш машинаси, рангли телевизор ва бошқа уй-рўзғор буюмлари каби ютуқларнинг ҳам эгаси бўлишни хоҳласангиз, унда

«АГРОБАНК»нинг

миллий валютадаги янги ютуқли омонат турларида ўз маблағларингизни жамғаринг.

Йиллик 14 фоиз миқдорида ҳақ тўланадиган «ОМАД» ҳамда «АГРОКАПИТАЛ» муддатли ва жамғарма омонат турларида маблағингизни 3,6,9 ой муддатларда кўпайтириб, ОМАДга эришинг!

Шунингдек, 6 майдан эътиборан «АГРОБАНК» миллий валютадаги йиллик 26 ФОИЗ миқдорида ҳақ тўланадиган «Агролюкс» муддатли омонат турини ҳам таклиф этади!

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб берилади.

Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади. Унутманг, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади!

«Агробанк» омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақида маълумот банк сири ҳисобланади.

Эслатиб ўтамиз: ютуқлар миқдори ютуқ чиққан ҳисобварақларга матбуотда эълон қилинган расмий жадвалга асосан ҳар ойда ўтказиб борилади!

ПУЛЛАРИНГИЗ ИШЛАЙДИ ВА ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ!

«Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!

Қўшимча маълумот учун 150-53-65 телефон рақамига мурожаат этишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

Фарғона давлат университети томонидан 1999 йилда Отахонов Қаҳрамонжон Қобулжонович номига берилган №242277 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Фарғона политехника институти томонидан 2008 йилда Отахонов Қаҳрамонжон Қобулжонович номига берилган ВМ№395805 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Европа ОАВ:

ЮНЕСКО Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонламоқда

Португалиянинг «Слово» газетасида «ЮНЕСКО Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонламоқда» номли мақола чоп этилди

Мақолада ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Ўзбекистон пойтахтининг 2200 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимлар ва уларда ЮНЕСКО бош директори Коитиро Мацуура, Франциянинг расмий, ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва маданий доиралари, халқаро ташкилотлар, дипломатия корпуси, шунингдек, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этгани ҳақида хабар қилинади.

«Юбилей тадбирлари доирасида, — деб ёзади Португалия газетаси, — ЮНЕСКО бош қароргоҳининг «Сегюр» марказий тантаналар залида «Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва халқ амалий санъати» кўргазмаси ўтказилди. Кўргазмада Ўзбекистоннинг йирик миллий музейлари экспонатлари, шунингдек, қадимий кумуш ва бронза буюмлари, миллий каштачилик маҳсулотлари, гиламлар, сопол идишлар, ёғоч ўймакорлиги ишлари ва Ўзбекистон амалий санъатининг бошқа намуналари намойиш этилди.

«Дунё цивилизациясининг ривожида Тошкентнинг тутган ўрни» мавзусида бўлиб ўтган халқаро анжуман Париж шаҳри жамоатчилиги ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Анжуманда чет эл ва ўзбекистонлик етакчи олимлар, тарих, маданият, этнография ва архитектура соҳаси мутахассислари иштирок этиб, «Тошкент: шаҳарнинг вужудга келиши, қадим ва ўрта асрларда шаҳар маданиятининг ривожланиши», «Антик ва ўрта аср шарқ муаллифлари Тошкент тўғрисида», «Замонавий маданият нуқтаи-назаридан Тошкент эволюцияси» каби қатор мавзуларда маъруза қилди.

Тошкент ўзининг 2200 йиллик тарихи давомида мудофаа деворлари билан ўралган қадимий қалъадан то Марказий Осиё минтақасининг энг йирик мегаполисигача бўлган узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтди. Тошкент кўплаб синов ва қийинчиликларни бошдан кечирди, улкан ишларга гувоҳ бўлди, лекин у ҳар доим ўзининг муҳим сиёсий, иқтисодий ва маънавий мақомини сақлаб қолди. Пойтахт «Тинчлик шаҳри», «Матонат шаҳри», «Нон шаҳри», «Боғлар шаҳри», «Шарқ дарвозаси» сифатида танилган.

«Слово» газетасида таъкидланишича, инсон ўз дунёқарашининг шаклланишида тарихий-маданий илдизлар билан биргаликда замонавий ижтимоий-маданий қадриятларга амал қилиши табиий ҳолга айланди. Ўзбекистоннинг пойтахти саналмиш мамлакатнинг интеллектуал кучлари мужассамлашган Тошкент бунинг ёрқин ифодасидир. Шаҳарнинг ўзига хослиги ўз ахлоқий тамойилларида замонавий маданий тажрибага, шунингдек, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом ал Бухорий, Алишер Навоий, Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад Фарғоний каби Мовароуннаҳрнинг буюк мутафаккирлари асарларида тасвирланган олий тимсолларга таянувчи аҳолиси билан ҳам ифодланади.

«Жаҳон» АА,
Париж

Мулоҳаза

ТУГАМАЁТГАН «ТАНГАСОЗИ»

ёки Хоразмнинг айрим тўйларида пул сочиш яна авж олаётгани хусусида

Ўтган йили Қўшкўпир туманидаги Қатағон қишлоғида дабдабали бир тўй бўлди. Менгливой Жуманиёзов ўғлининг суннат тўйига юртимиздаги таниқли ҳофизни таклиф қилган. Тантана қизиган пайт ҳеч кутилмаганда хонадон соҳиби ва яқинлари ўртага чиқиб, раққоса ва ҳофизга пул қистиришни бошлаб юборишди. Даврадагилар сергакланиб қолишди. Негаки, тўйларни тартибга солиш, ортиқча дабдабасиз ўтказиш тўғрисидаги Фармондан кейин қўшиқчиларни пул билан «сийлаш» одати барҳам топганди. Тўйлар тартибли, миллий қадриятларимизга мос, муҳими, кам чиқимли, «тангасози»сиз (воҳада артистларга пул тутиш шундай номланади) ўта бошлаганди.

Аммо, тўй эгасининг бу «қилиғидан» ҳамма ҳайрон. Ўзи ўртаҳол яшаса. Бунинг устига қишлоқ маданият уйи директори. Айнан шу тизимдаги ҳукумат қарорлари учун масъул шахс.

Менгливойнинг «қилиғи» ёзда қор ёққандай бўлди. Айримлар унга эътироз билдиришди. Лекин масталаст ёшлар «тангасози»ни авж олдиришди. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси сўз олиб, бу номаъқул ишни тўхтатишни сўради. Даврадагиларни тартибга чақирди. Барибир «қистир-қистир», пул сочиш тўхтамади.

Кейин билсак, таниқли қўшиқчи агар тўйда пул кўпроқ тушсагина боришини айтган, Менгливой эса бу шартга иложсиз рози бўлган.

Бу воқеа вилоят газетасида танқид қилингач, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси раҳбарияти Жуманиёзовни ўз вазифасидан бўшатди. Афсуски, вилоятда бундай нохуш ҳолатлар ҳамон учрамоқда. Ҳазорасп туманида бир тўйда қатнашдик. Тадбиркор танишимиз таклиф қилганди. Тўй эгасига тўёнани бериб, даврага ўтдик. Ўртада раққоса ўйнаётган экан. Қўшиқчи эса таниқли, ҳатто унвони бор. Тўй эгаси ҳам кўпчиликка таниш одам. Спиртли ичимликлар, турли овқатлар кети узилмай келиб турибди.

Бир маҳал тўй эгаси раққосага пул тутишни бошлаб берди. Йўқ, пулни тутмади, балки бир боғлам минг сўмликни раққосанинг устидан сочиб юборди. Кейин тўй эгасининг яқинлари, ҳамкасблари ўртага тўп-тўп бўлиб чиқа бошлашди. Пул қистирган ким, пул сочган ким... Назаримизда улар ўзларини кўрсатиш учун шундай қилишаётганди.

Боғот туманида анчадан буён тўйларда артистларга пул тутиш одати барҳам топган. Меҳмонлар артистга атаганини махсус қутига ташлайди. Бу тўй эгасига ёрдам бўлади. Аксига олиб, ўша кун чўнтагимиз қуруқроқ эди. Бу ерда эса... даврага чиқиб намойишкорона пул тутиб, ўзини кўз-кўз қилганлар сафи тугагач, раққоса аллақачон давра айланиб «ўлпон йиғиш»га ўтганди. Бу «ўлпон йиғиш» ҳам барча одобахлоқ доираларидан чиқиб кетди. Бу ҳолни кўриб, кўпчилик орасида изза бўлмаслик учун даврадаги бир танишимдан қарз олишга мажбур бўлдим.

Ачинарлиси, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ҳам, албатта, туман миқёсидаги айрим раҳбарлар ҳам тўйда иштирок этишаётганди. Бизни эса уларнинг рўй бераётган воқеаларга бефарқлиги эмас, балки ўзлари ҳам шу йўлни тутиб, бошқаларга «ўрнак» бўлаётгани ҳайрон қолдирди.

Шукрки, вилоятнинг аксар қишлоқларида «тангасози» одати аллақачон ўтмиш иллатига айланган. Бу, албатта мазкур ҳудудлардаги маҳаллалар етакчилари, фаолларнинг хизмати. Аста-секинлик билан бўлса-да шунга эришишди, одамларда кўникма ҳосил қилишди. Тўғри, «Пул меники, умримда бир тўй қиламан, топганимни сочмайманми?» деганлар ҳам бўлди.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор — булар очкўз «артист»лар. Тўй эгаси билан келишилган хизмат ҳақига қаноат қилмайдиган ана шундай ҳофизлар олдиндан шарт қўйишади: «Тўйда, албатта пул тутиш бўлсин». Булар қишлоқлардаги ҳаваскор отарчилар бўлса майли эди. Аксари ўзини «юлдуз» санайдиган, телевизорда тез-тез кўриниб турадиган қўшиқчилар. Айнан ана шундайлар дастидан аксар қишлоқларда аллақачон тугаган «тангасози» яна қайта тикланмоқда. Юқорида эслатилган Қўшкўпирдаги тўй бунга бир мисол.

Бу ўринда ҳамманинг фикри бир жойдан чиқмаслиги мумкин. «Пул қистириш» тўй эгасига ёрдам-ку», дейдиганлар ҳам топилади. Унда ўша «атаганингизни» тўй эгасига беринг. Хоҳласа қўшиқчига беради, хоҳласа ўзига олади. «Пул қистиришнинг ҳам гашти бор, тўйни қизитади», дер кимдир. Қистиришнинг «гашти» шундаки, айримлар бу билан ўзининг бойваччалигини кўз-кўз қилади. Тўйнинг файзи эса яхши қўшиқ, рақс, ҳазил-мутойиба билан бўлади!

Бу бир вилоятдаги гаплар эмас, албатта. Бошқа вилоятларда ҳам кўпми-озми бу одатлар давом этмоқда. Тўғриси, бу ҳақида ёзавериб чарчадик. Маҳаллий раҳбарлар ҳатто бундай чиқишларга эътибор ҳам бермай қўйишди. Аниқроғи, кўникишди.

Бир нарсани тан олишимиз керак. Тўйда қўшиқчига пул қистириш одатга айланиб кетган. Буни тўхтатиш қийин кечмоқда. Қистириб турилса, қўшиқчининг ҳам чеҳраси очилади, овози ҳам авжга чиқади. Қистиришлар эвазига тўй эгасидан камроқ пул олиши мумкин. Ноиложликдан юқорида айтганимиздек, айрим тўйларда саҳна олдига қути қўйилаяпти. Хоҳлаганлар атаганини ташлаб қўяди, кўз-кўз қилиш йўқ.

Бир қарашда бу йўл маъқулдек. Лекин нимадир кўнгилни ғаш қилади. Бу тўйларимиздаги пул сочиш, раққосанинг тўғри келган одамнинг ёнига келиб, «қани, пулни чиқарингчи» дегандек ишва қилиб туриб олишидир. Тўғриси, бошқаларни билмадиму мен бу иллат билан асло муроса қила олмайман. Бу қиликлар ахлоқ-одобга ҳам, маънавиятимизга ҳам мутлақо тўғри келмайди.

Тўғри, маҳаллий раҳбарлар, фуқаролар йиғинлари, маҳалла-кўй тарғибот-ташвиқот ишларига кўпроқ эътибор қаратиши лозим, деб ўйлаймиз. Бу хатти-ҳаракатлар нотўғри эканини одамлар англаши муҳим аҳамиятга эга. Тўй — бу муқаддас тадбир. У пок ниятлар, тилаклар билан ўтказилади. Шундай экан, тўйларимизни тартибли, маданиятли ўтказишимиз керак. Бу маҳалла оқсоқоллари, зиёлилар ва жамоатчиликка боғлиқ.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тадбир

СЎЗЛА, БУЛБУЛ ЗАБОНИМ!

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида қорақалпоқ мумтоз шоири Ажиниёз Қосибой ўғлининг 185 йиллигига бағишланган «Сўзла, булбул забоним!» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда олимларнинг шоир ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги маърузалари тингланди.

Анжуман қатнашчилари Ажиниёз ҳаёти ва ижодини янада кенгроқ ўрганиш, тарғиб қилиш борасида қатор таклиф-мулоҳазалар билдиришди. Жумладан, институтда Ажиниёз Қосибой ўғли музейини очиш, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида шоир ҳаёти ва ижодига бағишлаб анъанавий равишда кўрик-танловлар ўтказиб бориш, Қорақалпоқ адабиёти факультетида Ажиниёз ва бошқа мумтоз шоирлар ижодини тадқиқ этувчи илмий лаборатория ташкил қилиш лозимлиги таъкидланди.

Ишонамизки, қорақалпоқ халқининг булбул забон шоири номи билан аталувчи институт жамоаси билдирилган таклиф-мулоҳазаларни ҳаётга татбиқ этади ва Ажиниёз ижодини ўрганиш, тарғиб этиш бўйича янада ибратли ишларни амалга оширади.

Раймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТИЛ АНЖУМАНИ

Андижонда «Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари»га бағишланган анъанавий илмий-услубий анжуман бўлиб ўтди.

Унда ўзбек тили таълимини такомиллаштиришга бағишланган маърузалар тингланди. Кейин қатнашчилар шўъбаларга бўлинган ҳолда бу долзарб мавзу юзасидан муҳокамани давом эттиришди. Қизғин баҳс-мунозараларда қатор таклиф мулоҳазалар билдирилди. Ўзбек тили таълимини янада такомиллаштириш бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Футбол

Аслида бу жамоаларнинг учрашуви миллий чемпионатнинг 4-туридан жой олган бўлиб, тақвим бўйича 4 апрелда ўтказилиши лозим эди. Аммо пахтакорчиларнинг Осиё чемпионлари лигаси ўйинида қатнашиши муносабати билан бу учрашув 29 апрелга кўчирилди.

«ПАХТАКОР» – «НАСАФ» – 2:0

Бу йилги мавсумда ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олишга астойдил бел боғлаган ҳар иккала жамоа баҳси кўпчиликнинг диққат марказида турганди. Шу боис, ўйинни томоша қилиш учун «Пахтакор» марказий стадионига ҳар қачонгиданда кўп мухлис йиғилди. Ҳатто, «Насаф» фанатлар клуби ҳам ўзларининг севимли жамоаларини қўллаб-қувватлаш учун минг нафардан зиёд аъзоси билан Тошкентга етиб келди.

Чемпионат жадвалида ёнма-ён бораётган бу жамоалар учрашув давомида бир-бирларига жуда муносиб рақиб эканлигини намойиш этишди. Кутилганидек, ўйин шиддатли ва ҳужумкор руҳда кечди. Учрашувда мезбонлар 2:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тўпларни «Пахтакор»чилардан Александр Гейнрих ва Одил Аҳмедовлар киритишди.

Ушбу ғалабадан сўнг «Пахтакор» футболчилари жадвалнинг 2-поғонасига кўтарилиб олишди.

Эркин ХОЛБОБО

Орамиздаги одамлар

БАҲОР ФАЗИЛАТИ

Кўпчилик матбаачи-ю ижодкорлар яхши билган бир инсон бор. У ҳамиша одамлар қувончи ва ташвишига шерик.

Олимжон ака бундан роппа-роса ярим аср илгари ҳозирги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида иш бошлаган. Ўша пайтлари компьютер қаёқда! Ҳарфлар қўлда терилар эди. Газетани саҳифалаш ҳам осон бўлмасди. Барча жараён эрталабдан тик оёқда туриб амалга оширилларди. Ёш Олимжон Ҳакимовга шу касб ёқиб қолган. Анвар Носирхонов, Латиф Миртемиров, Тўлаш Музаффаров каби устозлар этагини маҳкам тутиб, саҳифалаш сир-асрорини қунт билан ўрганди.

У устозларини миннатдор бўлиб эслайди:

— Шу соҳага астойдил меҳр қўйганимни кўрган устозлар бир куни насиҳат қилишди: «Ўғлим, ҳарфларнинг номини, улар қайси катакда туришини билиб олдинг. Энди саҳифалашга тушасан, бу мушкул иш. Аввало, макетни олдингга қўйиб, гезата саҳифасини кўз олдинга келтиришга одатлан. Сўнг ўзинг кўрган ҳарфлардан, ҳар хил қўғошин чизғичлардан саҳифани яратасан. Шундай безайсанки, газетхоннинг ҳаваси келсин!» Устозларнинг шу талаби ҳамон ёдимда. «Қилган ишингдан ўзга кўзлар қувонсин», деган. Демак, ишни санъат даражасига кўтариш керак. Шундан буён нафақат ўзим саҳифалаган, балки босмахонада босиладиган ҳар бир газетани кўздан кечираман, қўлигул техник муҳаррирлар иши менга қувонч бағишлайди.

У астойдил ўрганди, изланди. Кўп ўтмай моҳир саҳифаловчилар қаторидан ўрин олди. Кейин «Саодат» журналига ишга ўтди. Саҳифаловчининг маҳорати туфайли журналнинг чиройи янада очилди. Мазмун билан шакл уйғунлашгани туфайли журнал қўлдан-қўлга ўтиб ўқиладиган бўлди.

Моҳир саҳифаловчи сифатида тилга тушган Олимжон Ҳакимов отахон газета «Ўзбекистон овози»га ишга таклиф қилинди. Бу газетада унинг маҳорати янада ошди. У ишлаб чарчамасди. Лекин ўша даврда газетада саҳифа-саҳифа нутқлар босиларди. Рассом ёки саҳифаловчи маҳорати унчалик зарур эмасди. Бу унинг феълига тўғри келмади. Бунақада изланишдан, ижоддан қоламан-ку, деб яна қадрдон «Саодат»ига қайтди.

Матбаачи, ижодкор зоти борки, турли тадбирларда Олимжон ака бош бўлишини истайди. Чунки, у бор жойда кўнгил хотиржам, тартиб-интизом бўлади. У эзгу ишдан вақтини аямайди. Тўғриси, бу ишлар ҳамманинг қўлидан келавермайди. Бағрикенг, хокисор одамгина буни уддалайди.

Мана шу ҳиммати, фазилати билан у ҳамманинг юрагидан жой олган. Элюрт ҳурматига сазовор бўлган.

Президентимизнинг Фармонига кўра, Олимжон ака узоқ йиллик самарали меҳнати учун «Шуҳрат» медали билан мукофотланган.

— Ҳамкасбларим, дўстларим менинг қанотларим, — деди Олимжон Ҳакимов. — Куш қанотсиз учолмагандай, мен ҳам уларсиз яшашни тасаввур қилолмайман.

Ҳаммага бирдек қадрдон ҳамкасбимиз фаслларнинг энг гўзали, кишилар қалбига шодлик бағишловчи май ойининг дастлабки кунларида таваллуд топган. Балки шунинг учунми, баҳорнинг бутун фазилатлари унинг табиатида мужассам.

Юнус ЗИЁДОВ,
меҳнат фахрийси.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
13906 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 23.00
Topshirilgan vaqti — 0.00
Sotuvda erkin narxda